

## **ТАСВИРИЙ САНЬЯТ ВА РАНГ-ТАСВИРНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ**

**Ахмедов Равшан Толипович**

Костюм дизайнни кафедрасининг катта уқитувчиси

Tashkent Institute of Textile and Light

Маълумки, санъатнинг турлари ниоятда куп булиб, уларнинг энг асосийлари сифатида адабиёт, мусика, кино, театр, меъморчилик, амалий безак, цирк, телевидение, тасвирий санъат кабиларни алоҳида эътироф этиш мумкин. “Тасвирий” атамаси “тасвирлаш” сузидан олинган булиб, унда турли материал, хусусан, буёқ, тош, гипс, ёғоч, шунингдек, бошқа бадиий ва турдош материаллар ёрдамида ҳар хил тимсолларнинг ва нарсаларнинг рас ми хайкалини ифодалаш тушунилади. Тасвирий санъат илм-фан каби дунёни, хаётни, табиатни, ҳалқдар тарихини урганишга хизмат қиласди.

Тасвирий санъатнинг пайдо булиши ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Бу вақтда кишилар теварак атрофда содир булаётган воқеаларни, одам ва хайвонларнинг тасвирини тошларга чизиб, уларни кесиб турли куриниш ва мазмундаги хайкалларни ясаганлар. Қадимдан кишилар санъат, табиат ходисалари ва кишиларнинг узаро муносабатлари, фаолиятларига, хулқига ижобий таъсир курсатади, деб ҳисблағанлар. Айни пайгда тасвирий санъат асарлари кишиларнинг хис туйғуларига кучли таъсир курсатиш имкониятига хам эгадир. Кишилар тасвирий санъат асарларини томоша қилиш орқали, уларда ифодаланган гузалликни куриш орқали уз хаётларига ана шундай гузалликни киритишга харакат қиласди, асарлардаги қаҳрамонларни куриб эса уларга ухшашга интиладилар.

Санъат асарларида ифодаланган салбий воқеалар, хунук хатти-харакатларни куриб, улар дан муайян хulosалар чиқарадилар, бундай ходисалардан йироқ булишга интиладилар. Айниқса, тарихий мавзудаги санъат асарларини томоша қилганда, уша даврдаги табиат манзаралари, нарса ва буюмлар, меҳнат ва жанг қуроллари, кишилар хаёти, уларнинг кийимлари, урф-одатлари билан танишадилар, қурилишлар, бинолар ҳақида тасаввурга эга буладилар.

Рассомлар уз асарларида ҳаётни қандай курсалар ушандай эмас, балки ундаги алоҳида эътиборга молик характерли куринишларни танлаб оладилар, эътиборсиз, иккинчи даражати куринишларни тушириб кўрсатадилар, энг мухимларини эса бурттириб курсатадилар. Танлаш ва бурттириш орқали рассомлар нарса ва ходисаларнинг кишилар тафаккури ва хиссиётларига самарали таъсир курсатишиша эришадилар.

Рассом борлиқни шунчаки биладиган кишигина эмас, балки у аввало, бой тасаввур ва тафаккур қилиш қобилиятига эга булган ижодкордир. У уз ижодида борлиқни шунчаки акс эттирибгина қолмай, балки унга асосланган холда нималарнидир узи уйлаб топади, тасаввур этади ва туқийди. Демак, санъат асарлари уз мазмунида борлиқни акс эттирибгина қолмасдан, айни пайтда улар рассомнинг ғояларини ифодалайди, томошабин онгини бойитади. Шу билан бирга бундай асарлар кишилар рухиятига таъсир курсатиб, улар маънавий оламини, билим ва тажрибасини кенгайтиради.

**Ранг-тасвир** – тасвирий санъат тuri,

-бирор қаттиқ юзада рангли ашёларда, масла, буёқлар ёрдамида яратиладиган бадиий асар.

Рассомнинг воқеликни бадиий тасвирлаш ва талқин қилиш,

- томошабин фикри ва туйғуларига таъсир эътишнинг мухим воситаси;

- мухим ижтимоий мазмун ва ранг-баранг ғоявий вазифаларга эга.

Ранг-тасвир асарининг ғоявий мазмуни унинг мавзуу ва сюжетида мужассамлашади, сюжет рассом Рассомнинг ифода воситалари (композиция, расм, ранг, ритм ва ҳозаказо) орқали руёбга чиқади. Рассом асарлари асос (маҳсус ишлов берилган мато, ёғоч, қофоз, картон, шиша, металл ва ҳоказо), ранг қатлами (мойбўйоқ, гуашь, темпера, аквариль, рангли шиша, рангли тош ва ҳоказо.), айрим ҳолларда уни сақлаш учун устидан берилган юпқа лок қатламидан иборат бўлади.

Асар дастлаб ижодкор тасаввури ва онгидаги пайдо бўлган ғоя қораламаси тарзида қалам ёки кумирқаламда бирор юза (кўпинча қофоз ва картон) да ишлаб олинади. Сўнг шунга мос асос танланиб,

унга бажариладиган ишнинг моҳиятига кўра ишлов берилади. Шундан сўнг тасвир ўрни белгилаб расми ишланади.

Рангн-тасвир қадимда сўнги палеолит (милоддан аввалги 40-8 минг йиллар) да пайдо бўлган. Франция (Фон де Гом, Ласко), Шимолий Испания (Альтамира), Ўрта Осиё ва бошқаларда Ранг-тасвир асарлари сақланиб қолган, соз тупроқли бёқлар, қоракуя, писта кумир билан, расмлар текис шапка сифат (силиут), баъзиларида эса ҳажмли қилиб ишлашга ҳаракат қилинганлиги сезилади, мезолит ва неолит даврида бажарилган ибтидоий расмларда мураккаб композициялар, абстракт тушунчалар пайдо бўла бошлаган. Қулдорлик даврида ривожланган техник воситаларга бой образлар тизими шакилланди. Қадимий шарқ мамлакатлари( Миср, Ҳиндистон, Ўрта Осиё, жанубий шаркий Европа( Юнонистон, Италия, шунингдек Америка қитаси (Марказий Америка) монументал ранг-тасвир ривожланди. Мақбара ибодатхона, сарой ва бой зодагонларнинг уйлари деворларига турли мавзу ва йуналишда асарлар ишланди.

Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида монументал ранг-тасвир санъти ўзининг ҳақиқий гуллаш даврини бошидан кечирди. Ҳиндистон (Ажанта), Ўрта Осиё (Тупроқалъа, Варахша, Афросиёб, Болаликтепа) ва бошқаларда нозик бўёқлар, нафис безак ритми ҳаётй кузатишларнинг ёрқинлигига хос бўлган минатюра санъти ривожланди, Хитой, Япония, Капеяда шойи ва қофозга тушь, акварил ва гуаш бўёғига расм ишлаш соҳасида юуқори чўққиларга эришишди. Уйғониш даврида ранг-тасвирнинг янги қирралари юзага келди, илмий асосга таянган реалистик санъат камол топди ва жаҳон санъати ривожида муҳим ўринни эгаллади: ифода тизими ҳамда унинг илмий асоси яратилди.

Перспектива, оптика, пластик анатомий борасида ютуқларга эришилди, монеминтал ранг-тасвир юксак чўққисига кўтарилди, ғоявий бойиди, ранг тасвир ижтимоий ҳаётга кенг кўламда кириб борди. Техникада сув бўёқ ўрнини мойбўёқ эгаллай бошлади, лесировка, валёр услубига қизиқиши ортди, лак-бўёқ техникаси мураккаблашди, кўп қатламли ранг-тасвир ривожланди.

### **Фойдаланган адабиётлар.**

1. Авесян О.А. Натура и рисование по представлению. — Москва: Изо. искусство, 1985.
2. Алексин А. Д. О языке изобразительного искусства. — Москва: Знание, 1983.
3. Валиулина Н. Рузи Чориев — Тошкент: Бафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1983.
4. Веймарн Б. В. Живопись молодых художников Узбекистана. — Ташкент, 1985.
5. Веймарн Б. В. Искусство Средней Азии. — Москва: Искусство, 1940. 6. Владимирский Г. А. Перспектива. — Москва: Просвещение, 1969.
6. Илхромова С. Мусаввир Алишер Аликулов портрет га чизгилар. Санъат. - Тошкент. — 2002. — 4-сон.
7. Каримов Х. Урол Тансиқбоев. — Тошкент: Ёш гвардия, 1978.
8. Каримов Х. Табиат куйчиси (У.Тансиқбоев). - Тошкент: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
9. Краснов Н. В. Беседа об искусстве. - Ленинград: Учпедгиз, 1969.
10. Коллектив. Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972. - Москва: Сов. Художник, 1976.
11. Р.Хасанов "Тасвирий санъат асослари". Гафур Гулом номидаги нашрист матбаа-ижодий уйи Тошкент – 2009 й. 4-5 бет.
12. Такташ Ранг-Тасвир, Изобразительное искусство Узбекистана, Т., 1972; Искусство Советского Узбекистана, М., 1976.
13. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-k/kolorit-uz/>